
ФУРҚАТ ТУМАНИДА ЯХШИ НИЯТ БИЛАН БОШЛАНГАН “ЯХШИ НИЯТ” МАССИВИ ЗАМОНАВИЙ ТУРАР-ЖОЙ МАЖМУАСИГА АЙЛАНДИ

Фурқат туманидаги ўрганишлар доирасида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, туманнинг “Яхши ният” массивида қуриб фойдаланишга топширилган кўп қаватли замонавий уй-жойларни кўздан кечирди.

2021 йилда “Яхши ният” массивида 1 та 4 қаватли 24 хонадонли ва 4 та 5 қаватли 120 хонадонли жами 144 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қуриб битказилди.

Бундан ташқари, 2022 йилда ушбу массивда яна 5 та 5 қаватли 150 хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда уй-жойларни қуриш учун котлован қазиш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокими билан мулоқот чоғида янги уй эгалари, Давлатимиз раҳбарининг аҳолини ҳар томонлама қўллаб қувватлашга ҳамда турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсатидан ўз миннатдорчилликларини изҳор қилдилар.

Вилоят ҳокими аҳолини арzon уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида вилоят бўйлаб 3 та ҳудудда “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши бошланганига туман раҳбарлари эътиборини қаратиб, Фурқат туманида ҳам “Янги Ўзбекистон” массивлари туркумида замонавий турар-жой мажмуаси барпо этиш учун ер майдонини белгилаш юзасидан топшириқ берди.

Туманни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастури доирасида 2021 йилларда ушбу маҳаллада туркиялиқ инвестор томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек ҳудудда жойлашган "National Dairy Industry" МЧЖ ҚКнинг Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси ҳисобига аҳоли бандлиги борасида муаммолар ўз ечимини топган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-01-31 12:04:34